

Ҳажга тайёргарлик



11:36 / 05 июнь 1103

Айтайлик, Аллоҳ имкон бериб, ҳажга боришга қарор қилдингиз, тайёргарликни нимадан бошлаш керак?

Кўплар йўлда керакли мол-дунё, кийим-кечак ва бошқа ашёлар ҳақида ўйлай бошлайди. Бу мутлақо нотўғри. Энг кераклиси, ҳаж ибодатини яхшилаб тушуниб олиш. Чунки ҳаж ибодати бир умрли сафар ва ибодат ҳисобланади, яъни умрда бир марта бериладиган имкониятдир. Қанчалаб мол-дунё, вақт, куч-қувват сарфланса-ю, нотўғри ибодат қилинса, ҳамма ҳаракат пучга чиқади. Бундан нима фойда?!

Шунинг учун ҳам ҳаж қилмоқчи бўлган ҳар бир киши энг аввало, бу ибодатнинг йўл-йўриғини яхшилаб ўрганиб олиши лозим. Китобларимизда бу масалага катта эътибор берилган. Ҳаж қилувчи киши ҳар қанча катта олим бўлса ҳам, ёнида ҳаж арконларини баён қилувчи бир китобни олиб ҳажга борсин, деб тавсия қилинган. Аммо ҳаж қилувчи оддий киши бўлса, ўзига бир олимни устоз тутсин.

Ҳаж сафарига отланишдан олдин ўз гуноҳларига астойдил тавба қилиши лозим ва зарурдир. Ҳаж сафаридан асл мақсад гуноҳларга тавба қилишдир. Бирор банданинг ҳаққи тавба қилувчининг зиммасида қолмаслиги тавбанинг қабул бўлиш шартидир. Агар бир инсон бирор кишига жисмоний ёки молиявий нуқсон етказган бўлса, уни адо қилиши, ундан кечирим сўраши ва рози қилиши лозим. Агар бирор кишидан қарздор

бўлса, уни қайтариб бериши, агар ўзида бирор кишининг омонати бўлса, уни ўз эгасига қайтариши даркордир. Бу ишларни амалга оширгандан кейин фикру хаёлини бир жойга қўйиб, қайта гуноҳ қилмасликка астойдил тавба қилиши лозимдир. Булардан кейин қилинган тавбани қабул бўлишига умид кўпроқдир.

Ҳаж сафарига отланган киши яна нималарга эътибор бериши керак? Аввало, аҳли-аёли ва яқин кишиларини тақвога буюрсин. Яъни, Аллоҳнинг амрларига бўйсуниб, қайтарганларидан қайтишга чорласин. Қилаётган ҳаж ибодатидан Аллоҳнинг розилигини ва охиратининг ободлигини кўзласин. Дунё ва унинг зийнатларини, риёкорлик, ном чиқариш, фахрланиш каби нарсаларни зинҳор хаёлига келтирмасин. Акс ҳолда, барча қилган саъй-ҳаракатлари беҳуда кетади.

Ҳаж сафари билан овора бўлиб, бошқа ибодатларга эътиборсизлик қилмасин. Айниқса, намозга эҳтиёт бўлсин, чунки намознинг зарурлиги ҳаждан ҳам эътиборлидир. Сафар чоғида доимо Аллоҳни зикр этсин, дуо қилсин, истиффор айтсин. Қуръони Каримни кўпроқ тиловат қилсин. Тилини бўлмағур гаплардан, беҳуда сўзлардан, ёлғон, ғийбат, чақимчилик, сўкиш каби бузуқликлардан тийсин. Қўлидан келганча одамларга яхшилик қилиш пайдан бўлсин.

Ўтган уламоларимизнинг энг муҳим насиҳатларидан бири шуки, ҳожилар ҳаж давомида қалбни машғул қилиб, хаёлни олиб қочувчи тижоратдан холи бўлишлари керак. Ўзларини хор тутсинлар, зебу зийнатга эътибор бермасинлар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай қилганлар. У зоти бобаракот муборак ҳадисларидан бирида шундай марҳамат қилганлар: **«Аллоҳ таоло ҳожиларни кўрсатиб фаришталарига мақтанади: «Бандаларимга қаранглар! Турли жойлардан хору зор бўлиб ҳузуримга келдилар. Сизлар гувоҳ бўлинглар, мен уларнинг гуноҳларини кечдим», дейди».**

«Мўминнинг умр сафари» китобидан